


АВВАЛ ВАТАН, КЕЙИН - ЖОН!



Ислом КАРИМОВ:

«Бизнинг барча саъй-ҳаракатларимиз фақат бир мақсадга қаратилиши даркор, яъни Қуроли Кучларимиз замон уларнинг олдига қўяётган ҳар қандай вазифани бажаришга муносиб бўлсин».

Бугун Қуроли Кучларимиздан замон нимани талаб қилапти? Жавоби маълум: энг аввало ХУШЁРЛИКНИ. Шахсий таркиб кечаси ҳам, кундузи ҳам уйгоқ бўлиши зарур. Уйгоқлик бу хушёрликдир. Об-хавонинг аҳамияти йўқ: иссиқми, совуқми, бир он, бир дақиқа бўлса-да сергаклик кўлдан берилмаслиги шарт. Ватан ҳимоячиси — эгнига ҳарбий либос кийган киши — ўз хизмат бурчини ўтайптими ёки бўш вақтида одамлар орасида юрибдими — бепарво бўлишга асло ҳаққи йўқ.

Унутмаслик керак: мустақиллигимизни қўролмаётган, ютуқларимиздан ҳасад қилиб куйиб-ёнаётган, тинч ҳаётимизга путур етказмоқчи бўлаётган кимсалар сал бўлса-да чалғишимизга кўз тикиб ўтиришибди. Имкон берсак, улар ҳаммавақт, ҳар қандай шароитда оёғимиздан чалишга тайёрдирлар.

Халқимиз ишонч билан бизни «Ватан посбонлари» тинчлигимиз кўриқчилари» дейди. Вазифа — ана шу ишончга муносиб бўлишдир.

Ватан ҳимоячиси хусусида гап кетганда, албатта, жанговар шайлик масаласи олдинга қалқиб чиқади. Маълумки, жанговар шайлик ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. У талаб қиладиган энг биринчи хижат бу посбоннинг саломатлигидир, зотан фақат соғлом посбонгина ҳар қандай жисмоний зўриқишларга бардош бера олади. Бардошни ҳосил қилиш

БЕПАРВО БЎЛИШГА ҲАҚҚИМИЗ ЙЎҚ

воситаси эса битта: жисмоний машқлар. Пухта режа асосида амалга ошириладиган жисмоний машқ посбоннинг иродасини тоблайти. Лекин бир нарсани унутмаслик керак: ҳар қандай соғлом, бақувват, иродали посбон жанговар қурооллардан фойдалана олишни билмас экан, у фақатгина жисмоний куч билан галабага эришиши даргумон. Жанговар қурооллардан фойдалана олиш илмини билиш, билганда ҳам мукамал билиш ва уларни зарурат туғилган чоғда маҳорат билан қўлла олиш санъати посбонни галабага етказмайди.

Бугун биз терроризм, ашаддий жангарлик, нарқобизнес ва бошқа шунга ўхшаш бало-қазоларнинг шакл-шамойили турли хил,

Офицер ўйлари

киёфаси эса ўзгарувчан эканлигини яхши биламиз. Ўша бало-қазо қандай шакл, қандай қиёфада бош кўтармасин, муносиб зарба олмоғи зарур. Ватан ҳимоячиси ана ўшаларга қатъий зарба беришга ҳар

ролли Кучларимиз шахсий таркибини байрам билан қизгин табриклаган, кейин эса армиямиз олдида турган муҳим вазифаларни кўрсатиб берган. Қувонарли томони шундаки, Ватан ҳимоячиларига катта ишонч билдирган. Биз ана шу ишончга муносиб бўлмоғимиз лозим.

Президентимиз, ҳукуматимиз, халқимиз биз, Ватан ҳимоячиларига катта ғамхўрлик кўрсатишмоқда, — дейди лейтенант Юсуфжон Шукурров. — Ушбу ғамхўрликларга жавобан Ватан ҳимоячиси деган шарафли ва масъулиятли номга муносиб бўлмоғимиз даркор.

Юқорида муносиб бўлишлик ҳақида фикр юритдик, ҳарбийларимизнинг дил сўзларини тингладик. Мана, бу борада шоиримиз нима дейди, қулоқ тутинг: **Дунёда ажиб бир ҳикмат мавжуддир: Агар бўлмай десанг, Ватандан жудо, Муносиб бўла бил унга бир умр, Ватанга жонингни қилолгин фидо!**

Абдураззоқ ОБРЎЕВ, ҳарбий журналист.

САМОВИЙ ДЕСАНТ

Кишининг сўнги кунлари эди. Унча катта бўлмаган кўрғон ёнида тўпланганлар интиқлик билан осмонга кўз тикишарди. Мана, бирдан само бағрида пайдо бўлган самолётларнинг гувиладган товушлари қулоққа чалинди. Бир зум ўтгач феруза осмон юзида баҳорнинг оппоқ гулларини эслатувчи парашютлар бирма-бир очила бошлади.

Кўп ўтмай осмондан тушиб келган десантчилар бутун кўрғон аҳолисини «гаровга ушлаб турган» «террорчилар»ни ўққа тута бошладилар. Тез орада улар «йўқ қилинди».

«Гаровга олинганларни озод қилиш» операциеси муваффақиятли амалга оширилди. Унда фақат шартнома бўйича хизмат қилувчилар иштирок этдилар. Барча тадбирлар аввалдан ишлаб чиқилган режа асосида амалга оширилди.

Машқлар ниҳоясига етгач, ички қўшинлар кўмондони полковник Д.Фозилов бир қатор бўлиб саф тортган десантчиларга ташаккурнома эълон қилди. Шахсий таркиб мазкур машқларга аъло даражада тайёргарлик кўрганлигини қайд қилди. Махсус операцияда иштирок этганларнинг барчаси қимматбахо мукофотлар билан тақдирландилар. Парашютчиларнинг ҳаммасига эсда қоладиган совға-саломлар топширилди.

Р.ЗОКИРОВ, капитан.



ШУ ЗАМОННИНГ АСКАРИ

Қисмларда, гарнизонларда бўлар эканмиз, ҳарбийларимизнинг ақсарият кўпчилиги ўз дунёқарашига, кенг таъақкурга эга кишилар эканлигини кўриб қувонамиз. Яқинда шундайлардан бири билан учрашиб қолдик. Сиз ҳам танишингиз: **Сержант Фулом Мардонов, алоқачи.**

— Боввут туманида туғилганман, — дейди у ўзи ҳақида. — 29-урта мактабни тугалладим. Ҳарбий касбини танлашда ўқитувчимиз Мавлуда опа Жаҳонгирова тарбиясининг аҳамияти катта бўлган.

Сержант билан суҳбатимиз профессионал армия ва унинг моҳиятига бориб тақалади.

— Ривожланган давлатларнинг кўпчилигида профессионал армияга аллақачон ўтилган, — дейди Фуломжон, — профессионал армия дегани юксак даражадаги Қуроли Кучлардир. Лекин бу нарса шарқ халқлари учун янгилик эмас.

Сўнг сержант ўз фикрларини шундай давом эттиради. Амир Темур бобомиз ҳукмдорлик қилган даврда унинг қўшинлари сафида ёлланма навкарлар бўлган. Уларга алоҳида диққат-эътибор билан қараганлар. «Темур тузуклари»да баён қилинишича, ёлланма навкарларнинг жисмоний ҳамда маънавий-руҳий тайёргарлиги ҳамisha диққат марказида бўлган. Уларнинг мерганлиги, қилч-бозлик маҳорати, қурол-аслаҳалардан фойдалана олиш қобилиятига алоҳида эътибор берилган. Мабодо жангчи жасорат кўрсатса, рағбатлантирилган, хатога йўл қўйса, маошининг ундан бир қисми ушлаб қўлинган экан. Ҳа, биз боболаримиздан ҳали кўп нарсалар ўрганишимиз керак бўлади.

... Ушбу учрашувдан мен кўнглим тўлган ҳолда қайтдим. Зотан, ўз сафлариде Фулом Мардоновдек мулоҳазали, таъақкур доираси кенг, замонавий жангчилари бор армияга ҳар қанча ишонса бўлади.

Б.РЎЗИМОВ, журналист.

Анвар Иброҳимов Наманган вилоятидан. Ҳарбий хизматга чақирилгунга қадар Наманган Давлат Университетининг тарих факультетини тахсил олган. Ҳозир у танк механик-ҳайдовчиси. Оддий аскар ҳарбий билимларини пухта ўзлаштириб олган.

СЕНИ БУТУН ҚИШЛОҚ КУТАДИ

лавҳа

Яқинда дўстларимиздан бирининг уйида меҳмон бўлиб қолдим. Энди бир пиёла чойга қўл узатган ҳам эдикки, дўстимизнинг жажжи қизчаси қувонганича қўлида хат билан кириб келди.

— Дилшод акамдан, — деди у конвертни ўйнаганича.

— Қани, қизалоғим, ўзинг очиб ўқи-чи, — илтимос қилди уй эгаси, — аканг нималар ҳақида ёзибди экан?

Қиз қўнғирқоқдай овози билан ўқий бошлади.

«Салом дада, салом ойи! Акам Шўҳрат, сингилларим Доно ва Умидага ҳам қизгим салом! Мана, хизматнинг ярмини ҳам тугаллаб қўйдим. Армия ҳаётига кўникиб кетдим. Бир яхши томони — бу ерда машина ҳайдовчилари курсини битириб олдим. Дада, армиядан қайтгач,

сизни «Тико»нгизда энди ўзим олиб юраман.

Мендан ҳеч ҳам хавотир олмаглар. Яхши дўстлар ортирдим. Биз Амурдарё ёқасидаги чегара постда хушёрлик билан турибмиз. Биз ортимизда она-Ватан, халқимиз турганлигини яхши биламиз».

Хат охирида эса жангчи ойисига бир сўз билан мурожаат қилибди. «Ойижон, Дилфузаларникига тез-тез бориб, хабар олиб турибсизми? Шу нарса асло эсингиздан чиқмасин».

Дастурхонни турли хил няматлар билан тўлдирётган уй бекаси бу гапдан қулиб қўйди. Дўстим ҳам жилмайди.

— Дилфуза яқин дўстимнинг қизи, — деди у, — Дилшод иккалови бирга ўқишган. Бир-бирида кўнгиллари бор.

Сўнгра қизчасига юзланди.

— Кел, Умидаҳон, акангга иссиғида жавоб қайтариб қўяйлик. Мен айтиб тураман, сен ёз.


Қизча жажжи бармоқчаларига рўчқа ушлади. Ота эса умумий саломдан сўнг юрак сўзларини шундай ифодалади.

«...Сен Ватанин, халқингни ҳимоя қилиб, йигитлик бурчингни бажаряпсан, ўғлим. Биз сен билан фахрланамиз».

Дилфузандан эса хавотир олма. Ойинг уларникига бот-бот бориб турибди. Худо хоҳласа, яна ярим йилдан сўнг бир эшикдан сен кириб келсанг, иккинчи эшикдан Дилфуза қизимизни олиб киришимиз. Ўша кун ҳовлимизда чинакамига катта туй бўлади.

Ҳозирча эса сенга куч-қувват, соғлиқ-омонлик тилаймиз, ўғлим!»

С.КОДИРОВ.



Расул Исаев Фаргона энгил саноат техникумини тугаллагандан сўнг вилоят «Нефтчи» футбол жамоасининг ўринбосарлари сафида тўп сурган эди. Унинг спорт билан шугулланиши ҳозир армия ҳаётида қўл келаёттир. Оддий аскар Исаев жанговар тайёргарликда аъло кўрсаткичларни қўлга киритапти.

ЖОНИ НИСОРДИР ҲАР БИРИ

Эй, Ватан, фарзандларинг мардонавордир ҳар бири, Мисли лочин, мисли бургут, мисли сордир ҳар бири.

Онадек англаб сени, фармонларингга шай бўлиб, Сен Она тупроқ учун жони нисордир ҳар бири.

Ўзбекона хислатингни кўксига жо айлаган Шохимардоний насимдек беғубордир ҳар бири.

Ҳам закийдир, ҳам сахийдир, қалби оташ, кифти тоғ, Илму урфон бобиде дунёча бордир ҳар бири.

Тупрогининг заррасин-да тўтиё янглиғ билиб Сарҳадингда қоялардек барқарордир ҳар бири.

Барчасининг қалби чўғ, сандан буюкроқ бахти йўқ, Жонлари сенга туташ, сенга мадордир ҳар бири.

Биз Муқанна зурриёди, Мангуберди насли деб Олам ичра сарбаланду пуриқордир ҳар бири.

Ҳар бирининг кўксига бордир яшинлар шиддати, Сен учун гар даркор эрса, сарбадордир ҳар бири.

Охунжон ҲАКИМ.

ҲАРБИЙ - ВАТАНПАРВАРЛИК ОЙЛИГИ


Тошкент Умумқўшин кўмондонлик олий билим юртининг ҳарбий машқлар ўтказиладиган майдони ҳар кунгидан ғажвум. Бу ерда шаҳар мактаблари ўқувчиларининг «Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари — тинчлик ва барқарорлик гарови» шиори остида ҳарбий-ватанпарварлик ойлиги ўтказилмоқда. Мусобақалар байроғини «Шунқорлар-2000» республика ўйинларининг ғолиблари А.Мавлоноқориев, Д.Шчербаков, М.Умаров, шунингдек Қуроли Кучларнинг тай боксини бўйича чемпиони Р.Ҳақимовлар кўтарди.

Мусобақаларда тез орадаёқ Ҳамза туманидаги 153 ҳамда Мирзо Улуғбек туманидаги 225-урта мактабларнинг ўқувчилари пешқадамликни қўлга киритдилар.

Томошабинларда айниқса қўл жанги мусобақалари катта таассурот қолдирди. Халқаро фестиваллар лауреатлари Мансур Гиневатулин, Альберт Ниёзов ҳамда Тимур Сапаевларнинг шарқона кураш бўйича намойиш этган чиқишлари қарсақларга сазовор бўлди.

Ўқувчилар газикоб ва умумқўшин муҳофаза комплексларидан фойдаланиш, граната улоқтириш, турникда ўйнаш ва шу каби мусобақалар юзасидан ҳам беллашдилар. Ҳарбий-спорт тадбири байрамона руҳда ўтди.

М.ҲАСАНОВ.



Лейтенант Аҳмад Эсамбоев 2000 йил Чирчиқ олий Танк кўмондонлик — муҳандислик билим юртини тамомлаган. У қисм аскарларига ҳарбий билимларни кунт билан ўргатаёттир.

Ёш лейтенант сардорлик қилган бўлинма республика Қуроли Кучлари ташкил этилганлигининг 10 йиллиги шарафига ўтказилган кўрикда голибликни қўлга киритди. Ҳозир бўлинма аскарлари жанговар ва сиёсий тайёргарликда пешқадамлик қилаёттирлар.

Н.ЮСУПОВ олган суратлар.

